


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети;

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 120000 – Гуманитар фанлар таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р.		бет
1.	5120100 – Филология тилларни ўқитиш (роман-герман тилларси) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	3
1.1.	Кўлланилиш соҳаси	3
1.1.1.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши	3
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	3
1.2.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	3
1.2.1.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари	3
1.2.2.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.4.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг вазифалари	4
2	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	5
2.1.	Умумий компетенциялар	5
2.2.	Касбий компетенциялар	5
3.	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	6
3.1	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	6
3.2	5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама хажми	6
	Библиографик маълумотлар	7

1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундўзги таълим шаклда амалга оширилади. Барча таълим шакл бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундўзги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) — ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, давлат бошқаруви органлари, саёхат агентликлари, авиакомпаниялар, туризм билан шуғулланувчи фирмалар ва меҳмонхоналар, элчихоналар, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалаларни ечишни қамраб олади.

1.2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари ва луғат бойлиги, мазкур тилда илмий ва бадий адабиётларни таржима қилиш жараёнлари;
- ўрганилаётган тилдаги таржималар ва унинг ривожланиш жараёни;

– ўрганилаётган тиллардан бири бўйича унинг назарий, тарихий, шевашунослик аспекти;

– таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, синхрон таржима, кетма-кет таржима, бадий таржима, терминология таржимаси, ёзма таржима, оммавий ахборот таржимаси, визуал таржима ва нутқ маданияти тамойиллари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини янгиланган ҳолда ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

1.2.3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- таржимонлик фаолияти;
- таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолият;
- ОАВ да таржимонлик фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолият (қайта тайёрлашдан сўнг).

1.2.4. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

маориф, маданият, туризм соҳаларида таржимон сифатида иш юритувчи; таълим сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш; ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; таълим жараёнида сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш; фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш; бажарилаётган иш режасини тўзиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш; таълим жараёнида атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш каби қобилятларига эга бўлиши керак.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

инглиз тилидаги барча публицистик матнлар жумладан, интернет ресурслари (блог, сайт, онлайн газета, видео) босиб чиқариладиган газета, журналларда, радио-телевидениеда чет тилларидаги эшиттиришларни олиб боровчи сухандон каби қобилятларга эга бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

ўтказилаётган илмий–тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича методлар, дастурий ечимлар, янги тадқиқотлар қилиш ва ишлаб чиқиш; намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш; ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тўзиш;

интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;

илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёргарлик ихтисослигига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятларига эга бўлиши керак. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (қайта тайёрлашдан сўнг) фаолиятда: амалий ва назарий билимларни ўргатишнинг янги педагогик методларини билиш ва қўллай олиш; ўқитилаётган фанда кечаётган ҳар қандай ўзгаришларни ижодий равишда кўзатиб бориш, ўқитишнинг услуб ва воситалари соҳасида ўз билим ва кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши керак.

2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

-фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

-дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

-ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

-тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар.

Педагогик фаолиятида: умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш;

□ замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

□ ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

□ ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

□ чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар); мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Илмий тадқиқот фаолиятида:

– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ахборотларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

таржима ва таълим соҳаларида: ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда замонавий технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни турли соҳаларида чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржимани, визуал, синхрон, терминологик, кетма-кет таржима усуллари билиши;

касбий маҳорат бўйича: ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва профессионализмга эга бўлиши керак; терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш; бадиий таржима ишларини ташкил этиш; ўргатилаётган тилларни жадаллашган усулда ўргатиш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш; халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма-кет таржима қила олиш; амалиётда инфорацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти: турли матнларни таржима қилиш ва уларни таҳрир қилишни билиш; таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш кўникмасига эга бўлиш; таҳрир қилинган материалларни нашр этишга тайёрлаш малакаларига эга бўлиши керак.

3. 5120100 – 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни утиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафтала кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлар”, “Кўшимча фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда (кундўзги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйдагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестация	6-8%
Таътил	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%

Библиографик маълумотлар

удк 002: 651. 1/7

гуруҳ Т 55

окс 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, таржима назарияси ва амалиёти, таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоқи, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ректор А. Марахимов

2020 йил « 10 » июли

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази

Директор У. Азизов

2020 йил « 10 » сентябри

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва инновацион технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор З. Хақимов

2020 йил « 11 » ноябри

М.Ў.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

Ректор в.б. Б. Кулматов

2020 йил « 16 » июли

М.Ў.